



EOC
EUROASIAN
ONLINE
CONFERENCES

GERMANY

CONFERENCE

**INTERNATIONAL CONFERENCE ON
SCIENCE, ENGINEERING AND
TECHNOLOGY**



Google Scholar

zenodo

OpenAIRE

doi digital object
identifier

eoconf.com - from 2024



ИШЧИЛАРИ МЕХНАТ ШАРОИТИНИНГ ТУБДАН ЯХШИЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЕЧИМЛАРИ

Усмонов Азизбек ХХХ

Андижон Машинасозлик институти

«Автомобилсозлик ва транспорт» факултети

«Транспорт логистикаси» йўналиши талабаси

+998999937328

Аннотация: Ҳозирги кундаги ишчилари меҳнат шароитинг тубдан яхшилашнинг замонавий ечимлари борасида олиб борилётган ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида амалда ва келгусидаги ишлар ҳақида ёритилган. Колаверса ишчилар меҳнат шароити ҳамда уларга боғлиқ бўлган ва саломатлигига, уларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳақида ҳам айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: *Стратегия, норма, иқтисодий, ижтимоий, маданий, оммавий-ҳуқуқий, миллий меъёрлар, руҳий-физиологик.*

Ҳозирги кунда корхоналарни ривожлантириш стратегиясига бўлган қизиқиш сезиларли равишда ўсган. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида янги ҳуқуқий-ташкилий шаклдаги корхоналар, хом ашё, материал ва асбобускуна етказиб берувчилар, шунингдек, бевосита маҳсулот ёки товар истеъмолчилари (харидорлар) билан янгича иқтисодий муносабатлар вужудга келиб, ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари, корхона, бу – аввало ишлаб чиқариш жамоа, одамларнинг турли тарздаги фаолияти бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими юзага келади ҳамда маълум бир турмуш тарзи, маънавият ва ахлоқ нормалари шаклланади. Буларнинг барчаси ҳўжалик юритиш шакл ва усуллари қайта кўриб чиқиш, корхонанинг иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва ролига янгича ёндашишни талаб қилади.

Саломатлик бевосита касб билан боғлиқдир. Чунки инсон касби бевосита бажарилаётган иш ва иш шароитлари ва ишни ташкил этилганлиги таъсири билан боғлиқ бўлади. Касб билаи боғлиқ бажариладиган ишни тури ижтимоий, аклий ишнинг огирлиги ва жиддийлиги даражаси, ишловчи организмда узига хос хусусиятларга эга.

Олимларни фикрича турли йўналишдаги ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчиларнинг касалланишининг узига хослигига багишланган маълумотлар етарли бунда асаб тизими, сезги органлари, ишлаб чиқишда шикастланиш ва тери касаликлари юқори ўринни эгаллайди [1;2].



Ишчилари меҳнат шароитининг тубдан яхшилашнинг замонавий ечимлар – бу ходим ҳаётидаги зарур манфаатлар соҳаси бўлиб, унинг миқдорий ва сифатий тавсифлари давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий тараққиёти даражаси ҳақида далолат беради. Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқи – бу халқаро ҳамжамиятда тан олинган ва давлат томонидан кафолатланадиган ходимнинг муносиб ҳаёт кечириши учун етарли физиологик, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятидир. Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кўп жиҳатдан мамлакатдаги тартиб, жамиятдаги осойишталик даражаси, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги ва динамикаси билан боғлиқ [3;4].

Меҳнат иқтисодиёти уни ходим ва унинг оила аъзоларини яшашлари учун зарур бўлган моддий маблағ билан таъминлаш, қашшоқликнинг олдини олувчи ҳамда ишчи кучининг меъёридан ортиқ сарфланишига йўл қўймаслик нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

Назарий-амалий ёндошувларга кўра, ижтимоий ҳимоя соҳаси давлат ижтимоий сиёсати ва меҳнат муносабатларининг энг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 117-конвенциясининг 25-моддаси – “Ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсад ва меъёрлари”га кўра инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровон турмуши учун зарур бўлган ҳаёт даражасига эга бўлишига ҳақлидир ва бунда озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, тиббий хизмат, ижтимоий ҳимоя қилишни киритиш лозим. Шунингдек, у ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ўзи ва оиласини таъминлай олмай қолса, ишсиз ёки ногирон бўлса ҳам ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эга¹.

Ёлланиб ишлайдиган ишчи касаллик, бахтсиз ҳодиса, кексалик ёки унинг меҳнатига талаб камайиши сабабли меҳнатга лаёқатлилигини йўқотса (вақтинчалик ёки мунтазам равишда) унда моддий таъминланиш муаммоси юзага келади. Шу сабабли бозор иқтисодиётида ижтимоий ҳимоя жамиятнинг хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг таркибий қисмига айланган, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари эса меҳнат жараёни ва ишчи кучининг такрор барпо бўлишининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган [5;6].

Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида қуйидаги таркибий қисмлар ажратилади:

– ижтимоий муҳофаза субъектлари – ёлланма ишчи ва унинг оила аъзолари, буюртмачи, давлат, оммавий-ҳуқуқий мақомга эга суғурта ташкилотлари;



– ижтимоий муҳофаза даражалари – индивидуал (бажарувчи ва буюртмачи) ва жамоа (ёлланма ишчиларнинг касаба уюшмалари ҳамда буюртмачилар бирлашмалари);

– ижтимоий муҳофаза предметлари ва уларнинг тузилиши – ходимларни ёллаш ва ишдан бўшатиш, касбий тайёргарлик масалалари, меҳнат шароити, ташкиллаштирилиши ва меъёрлари, меҳнатга лаёқатлиликини йўқотишнинг ўрнини тўлдириш, тиббий ва ижтимоий-маиший хизматни ташкил қилиш механизми;

– ижтимоий адолат ва ўзаро ёрдамнинг амалга оширилиши даражасини кўрсатувчи ижтимоий ҳимоя омиллари ва турлари – ижтимоий ҳамкорлик (ёлланма ходим ва буюртмачиларнинг кенг доирадаги ҳамкорлик усуллари билан) ёки меҳнат муносабатларининг ижтимоий ҳимоядаги патерналистик муносабатлар билан уйғунлашувидаги қатъий чегараланишлар, шунингдек, ушбу ижтимоий ҳимоя омиллари ва турларининг уйғунлашуви ва комбинацияси;

– ижтимоий муҳофаза мезонлари – меҳнат ҳаёти сифатининг ижтимоий кафолатлари ва эътироф этилган миллий меъёрлари: ишлаб чиқариш муҳитининг ҳолати, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги; меҳнат юкламаларининг руҳий-физиологик меъёрлари; меҳнат шароитлари (меҳнат, дам олиш, моддий рағбатлантириш тартиблари); ишчилар саломатлиги ва меҳнат қобилияти ҳолатлари; касбий тайёргарликнинг малакавий кўрсаткичлари; озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш меъёрлари ва бошқалар. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари – ижтимоий кафолатлар:

– иш вақти давомийлигини тартибга солишни таъминловчи: меҳнат ва дам олиш тартиблари, меҳнат ёши чегаралари, пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлиш учун меҳнат стажининг энг кам миқдори, ишга қабул қилишнинг энг кичик ёш даври. Ижтимоий-меҳнат тизими кафолатларининг ишлаб чиқишидаги асосий ёндошув сифатида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари олинади;

– моддий жиҳатдан таъминловчи кафолатланган энг кам иш ҳақи миқдори, меҳнатга ҳақ тўлашнинг таъриф сеткалари, ташкилот ҳисобидан таътилар, меҳнат лаёқатлигини йўқотиш билан боғлиқ ҳолда энг кам миқдордаги ёрдам пули ва нафақалар;

Ишлаб чиқариш фондларининг механизация ва автоматлаштирилиш даражаси, меҳнатнинг жамғарма ва энергия билан таъминланганлиги, асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ҳолати (уларнинг жисмоний ва маънавий эскирганлиги), меҳнат гигиенаси ва хавфсизлик техникаси талабларига меҳнат қуроллари ва иш жойининг жавоб бериш даражаси ҳамда ходимларни индивидуал ва жамоа тарзда ҳимоялаш воситаларининг мавжудлиги ва хавфсизлик техникасига жавоб бериши муҳимдир.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Соҳибжон ўгли, С. Ж. (2024). О ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 15(4), 9-14.
2. Рафиқжон ўғли, Р. Р., & Закирович, Н. И. (2024). ЭЛЕКТРОБУСЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДАГИ ЭНЕРГИЯНИНГ ТЕЖАЛИШИ. *МОДЕЛС АНД МЕТҲОДС ФОР ИНСРЕАСИНГ ТҲЕ ЭФФИСИЕНСЙ ОФ ИННОВАТИВЕ РЕСЕАРЧ*, 4(39), 170-175.
3. Рафиқжон ўғли, Р. Р. (2024). АНДИЖОН ВИЛОЯТИ Ё ЎЛОВЧИ ТАШУВЧИ АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ Ё ЎЛЛАРИ. *Ориентал Журнал оф Асадемис анд Мултидисциплинарй Ресеарч*, 2(4), 20-24.
4. Шавкатжон ўғ, Т. У. С., & Рафиқжон ўғли, Р. Р. (2024). СЕРҚАТНОВ КОЧАЛАРДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ҲАРАКАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. *Ориентал Журнал оф Асадемис анд Мултидисциплинарй Ресеарч*, 2(4), 10-19.
5. Рахимов, Р. Р., & Дехқонов, И. С. (2024). Ё ЎЛОВЧИЛАР ОҚИМИ ВА Ё ЎЛОВЧИЛАР ОҚИМИНИ О ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ. *Ориентал Журнал оф Асадемис анд Мултидисциплинарй Ресеарч*, 2(4), 4-9.
6. Рафиқжон ўғли, Р. Р., & Соҳибжон ўғли, С. Ж. (2023). АНДИЖОН ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ МУАММОЛАРИ. *Та'лим инноватсияси ва интеграцияси*, 10(6), 153-157.
7. Соҳибжон ўғли, С. Ж., & Рафиқжон ўғли, Р. Р. (2023). ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ. *ТАДҚИҚОТЛАР. УЗ*, 25(1), 79-83.
8. о'ғ'Ли, Р. Р. Р., & о'ғ'Ли, С. Ж. С. (2023). *Логистика Тизиминг Транспорт Тошқил Этувчиси. Та'Лимдаги Замонавий Муаммолар Ва Уларнинг Илмий Ечлари*, 7 (7), 27–33.
9. Рахимов, Р. (2023). АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КО ЎРСАТУВЧИ УСТАХОНАСИНИ ЖОРИЙ ЭРИШ АФЗАЛИКЛАРИ. *МОДЕРН ПРОБЛЕМС ИН ЭДУСАТИОН АНД ТҲЕИР ССИЕНТИФИС СОЛУТИОНС*, 1(1), 280-290.
10. Рахимов, Р., & Даминов, Д. (2023). Транспорт Воситалари Деталлари Ресурсларини Компютерда Ҳисоблаш. *Модерн Эдусатионал Сйстем Анд Инновативе Теачинг Солутионс*, 2(2), 75-82.